*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**21 сентябрь**
ШАНБА
**№ 76** (12608)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

*Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

# ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ-ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

***Ҳар фаслнинг ўз файзи, ўз таровати бўлганидек, йилларнинг ҳам бошқасига ҳеч ўхшамайдиган ўз хислати, ўз фазилати бўларкан. 2013 йилнинг хислати кўнгиллар ободлигидан, обод кўнгиллардаги бир-биридан гўзал инсоний фазилатлар яна ҳам кўпроқ намоён бўлишидан бошланди.***






**Очерк**

Моддий, маънавий бойликлар яратишга бўлган кучли интилиш, хайрли, саховатли ишларга рағбат, беркиниб ётган бир-биридан бой имкониятларни очиб, элу юртга хизмат қиламан деган ҳар бир фуқаронинг қалбида ҳозирги айтганимиз гўзалликлар мавж урди. Мактаб ўқувчиси фақат аълога ўқийман деяпти, талабчан муаллим ўқувчиларимга яна кўпроқ билим бераман деяпти, тадбиркор ёш-ёш ўғил-қизларни тезроқ ишга тортаман деяпти, фермерлар буғдойимдан яна ҳам кўпроқ ҳосил олиб, хирмонларни тўлдириб юбораман деяпти, чорвадор энг семиз буқани мана мен боқаман, сут-қатиқни яна ҳам кўпроқ қаймоқли қиламан деяпти. Ана шу таърифларга сиғмайдиган кўтаринки кайфият бутун мамлакат бўйлаб қанот ёзяпти.

Бу ҳолатни айниқса, Янгийўл туманида янгиликлар яратиб, юртни улуғлаётган фермерлар ҳузурида бўлиб, пешонасидан тер оқиб турган деҳқонлар билан суҳбатлар қурганимизда, тадбиркор ёш-ёш йигитларнинг корхонасида, куз фаслининг файзу таровати ловуллаб турган далаларда бўлганимизда ва айниқса, туман ҳокимининг муовини Раҳмиддин Ўрақов, фермерлар уюшмаси раиси Бахтиёр Султонов билан компьютер "варақлаганимизда", ҳеч эринмай далаларни айланганимизда кўрдик, зарурларини дафтаримизга ёзиб олишга улгурдик ҳам.

Раҳмиддин кетма-кет икки институтни, икковида ҳам иқтисодиёт факультетини аъло диплом билан битирган. Хурсанд бўлдик, хотираси кучли экан. Суҳбатлашганда, айтаётган ҳар бир рақам орқасида фермер ёки тадбиркор турганини, уларнинг машаққатли меҳнатини, ютуғи қувончларини кўриб, тасаввур қилиб айтаркан. Худди рақамларнинг мазмунини олдин шимиб-шимиб олаётгандек бўларкан. Шошмайди, ўйланиб-ўйланиб қолади. Бутун туманнинг далаларини кўз олдига келтираётган бўлса керак деб ўйлаймиз.

Шу туманда туғилиб, сувини ичиб, пасти-баландини ўрганиб, дунёқараши шаклланган Бахтиёр Султонов бўлса, қувноқ, дилбар, ҳар сўзига ҳикматларни қўшиб гапирадиган бир киши экан. Даладаги ҳар бир пайкал қачон бирлаштирилгани, атрофдаги дарахтлар қачон экилгани, ушбу ариқ нечанчи йилда очилгани – ҳаммаҳаммасини ёдида сақлаган экан. Туман ҳокимининг: "Шу икки раҳбарни маҳкам ушланг, сизга керакли материалнинг ҳаммасини шулардан оласиз" деган гаплари кўнглимдан ўтди. Демак, икковларининг этагини маҳкам ушлаб, тўғри қилибман. Куни кеча бу икковлари билан ҳеч эринмай фермерлар ҳузурида, тадбиркорлар корхонасида, деҳқонлар чайласида ўтириб, суҳбатлар ҳам қургандик. Бугун мен яна далаларни айлантиришларини илтимос қилдим. Икки дарёдан сув ичаётган туман далаларидаги гўзалликни яна бир бор кўргим келди. Айниқса, бу кўтаринки ҳолат, иккита Янгийўл бирлашиб, яна ҳам каттароқ, равонроқ йўлни ташкил этгани меҳнаткашларнинг қувончига қувонч, ғайратларига-ғайрат қўшибди, бамисоли бир-бирини йўқотиб қўйган икки ака-ука қайта топишганда қандай қувонсалар, шу қувонч ҳаммаларининг қалбида ловуллаб ёнибди. Буни биз кеча олис-олис далаларда деҳқончилик қилаётган кишилар билан суҳбатлашганимизда ҳам, қўни-қўнжи бойликка тўлиб келган кузнинг файзу тароватини ёғилиб турган жойларда бўлганимизда ҳам такрор-такрор эшитдик. Бу гапларни катта-катта майдонларда олмазорлар яратган, беҳилари сарғайиб пишиб, иштаҳани қўзғаб юборадиган далаларнинг эгалари айтаяпти. Қовун-тарвузларини йиғиб, яхшигина пуллаб ҳам олиб, қуриган палагини қишда молимга озуқа бўлади деб, ўша палакларни уйиб-уйиб қўйган полизчиларнинг сўзларидан ҳам билиб турибмиз.

– "Чорсу" бозорида бўлганмисиз, – деб сўрашади гоҳо.

– Ҳа, бўлганмиз, – деймиз шошилиб.

– Ширин-шакар меваларидан олганмисиз?

– Ҳа, албатта олганмиз.

– Ана шуларнинг ҳаммаси Янгийўлдан эканини биласизми?

– Ҳа, биламиз албатта.

– Фарҳод бозорида ҳам бўлиб турарсиз?

– Ҳа, албатта бўламиз.

– Пештахталарни тўлдириб турган укропу, кашничу, саримсоқ пиёзу эй борингки, барча доривор полиз экинларининг ҳаммасини биз – янгийўлликлар жўнатамиз.

*(Давоми 4-бетда).*

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

**Бўстонлиқ туманининг сўлим Хумсон қишлоғи йилнинг тўрт фаслида меҳмонлар, дам олувчилар билан гавжум. Бу жойларда бир марта дам олган кишининг яна қайтиб боргиси келади.**

**Сабаби – у ерларнинг табиати, қишлоқнинг ўртасидан оқиб ўтадиган шўх Угом дарёси, булоқ сувлари, манзараси ва албатта, аҳолисининг меҳмоннавозлиги, ширинсўзлиги, уйининг тўрини меҳмонга ажратиб бериши.**

# УСТОЗЛАР СУЛОЛАСИ

Хумсондан жуда кўплаб таниқли олимлар, фан арбоблари, зиёлилар, мўътабар кишилар чиққан. Уларнинг барчасини қишлоғимиз аҳли ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади. Шулар қаторида устоз-мураббийлар – Тиллабой ота ва Гулнора ая Ҳусановлар оиласини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Тиллабой ота эрта етим қолади. Тумандаги интернатда яшаб, бошланғич маълумот олгач, тиришқоқлик билан ўқиб, ўзи қизиққан физика-математика фани ўқитувчиси бўлиб етишди. Тиллабой ота қишлоқ аҳолисининг аксариятини ўқитиб, таълим-тарбия берган устоз-мураббий.

1951 йилда мактаб директори лавозимига тайинланган кундан то 1985 йилгача, яъни пенсияга чиққунча, шу лавозимда ишлади. Мактаб 7 йиллик бўлиб, уни тугаллаган ёшлар ўрта маълумот олиш учун ўқишни бошқа мактабда давом эттиришлари керак эди. Ўша даврда бундай мактаблар фақат туман марказида бўлган. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун Тиллабой Ҳусанов тиним билмай изланди, бормаган идора-ю, қабулига кирмаган раҳбарлар қолмади. Ниҳоят, унинг саъй-ҳаракатлари, уринишлари, қатъиятлилиги туфайли 1959 йилда тўлиқсиз ўрта мактаб 10 йиллик таълим масканига айлантирилди.

Айнан Тиллабой Ҳусановнинг саъй-ҳаракатлари, югуриб-елишлари сабаб 1970 йилда мактаб учун янги бино қурилди.

Устоз кўксини тўлдириб турган орден ва медаллар унинг фидойилиги, жонкуярлигидан дарак. Ўша қийин дамларда Ҳусановлар оиласи 10 фарзандни тарбиялаб, вояга етказиб, барчасини олий маълумотли қилди.

Гулнора ая қишлоғимизнинг барча хотин-қизларига устоз, ҳамма учун она эдилар. Энг эсимда қолгани ва мени кўп ҳайратлантирган жиҳати, у киши учун бегона бола йўқ эди қишлоғимизда. Ҳаммага ўзининг боласидек меҳрли, лекин кези келганда қаттиққўл, мактабдами, уйдами, кўчадами, болалар тарбиясига жуда жиддий эътибор билан қарардилар.

Яқинда Тиллабой ота ва Гулнора аяларнинг тўнғич фарзанди, республикамиздаги жуда кўплаб назариячи ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг устози, таниқли ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори, профессор Озод Ҳусановнинг Олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган "Конституциявий ҳуқуқ" дарслиги китоби лотин ва кирилл алифбосида кўп минг нусхада нашрдан чиқарилди.

Мазкур китоб муаллифи Озод Ҳусанов ёшлигидан тиришқоқлиги, зукколиги, интеллектуал билим ва салоҳиятга эгалиги билан мактаб ўқувчилари орасида ажралиб турарди. У ўрта мактабни олтин медалга тамомлади, Тошкент Давлат юридик институтини ҳам имтиёзли тугатишга эришиб, тез орада фан номзоди, кейинчалик фан доктори, профессор илмий унвонларига эга бўлди.

*(Давоми 2-бетда).*

# ВАШИНГТОНДА ЎЗБЕКИСТОН – АМЕРИКА БИЗНЕС АНЖУМАНИ

**Яқинда Рональд Рейган номидаги Вашингтон Халқаро савдо марказида Америка – Ўзбекистон савдо палатаси кўмагида Ўзбекистон – Америка бизнес анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда АҚШ давлат ташкилотлари ҳамда "Boeing", "General Motors", "Coca-Cola", "Johnson&Johnson", "Procter&Gamble" ва бошқа шу сингари 50 дан ортиқ компания вакиллари иштирок этдилар.**

Тадбир чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка – Ўзбекистон савдо палатаси ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан йўллаган табрик сўзи анжуман иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси К. Лэмм АҚШ билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига қаратаётган эътибори ҳамда палата фаолиятига бераётган ҳар томонлама кўмаги учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

К. Лэмм бой табиий ресурслар ҳамда улкан кадрлар салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон хорижлик сармоядорлар учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга интилаётганлиги ва шу боис Американинг етакчи компаниялари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган сармоявий ва савдо лойиҳаларини амалга оширишни режалаштираётганини алоҳида таъкидлади.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси президенти Т.Мак Гроу Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик ўзи раҳбарлик қилаётган савдо палатаси салоҳиятини юксалтирган ҳолда янада кўпроқ америкалик ишбилармонлар мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

Форум доирасида нефтьгаз, кимё, дори-дармон саноати ва автомобилсозлик соҳаларидаги сармоявий лойиҳалар акс этган Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Халқаро валюта жамғармаси бўлим директорининг ўринбосари В. Бакалунинг сўзларига қараганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг ижобий ўсиш суръатларини башорат қилувчи Марказий Осиё минтақаси бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий муаммолари муҳитида "барқарор орол" сифатида эътироф этилмоқда. У Ўзбекистондаги ялпи ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичларини, мамлакатдаги ички талаб даражаси ҳамда олтин валюта захираларининг ошиб бораётгани, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган сиёсатни юқори баҳолади.

АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментининг катта ходими Ч. Раш қишлоқ хўжалиги ускуна ва технологияларини ишлаб чиқарадиган америкалик ишбилармонларни Ўзбекистон билан янада фаол ҳамкорлик қилишга чақирар экан, мамлакатимизнинг қулай географик ҳудудда жойлашганлиги ҳамда юртимизда юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятининг мавжуд эканлигини алоҳида қайд этди. Шунингдек, у АҚШдан зотдор чорва молларини келтириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболли йўналишлардан бирига айланиши мумкинлигини ҳам тилга олди.

Хусусий хорижий сармоялар корпорациясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори М. Стукарт дунёнинг энг барқарор ривожланиб бораётган давлатларидан бири ҳисобланган Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳиятга, ўзига хос бой маданият ва ажойиб сайёҳлик имкониятларига эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

АҚШ Эксимбанки катта менежери Б. Сан Анжело Ўзбекистоннинг юқори кредит рейтингини эътироф этар экан, мамлакатимизда фаолият юритишни режалаштираётган америкалик компанияларга молиявий кўмак беришга тайёрлигини маълум қилди.

Форум қатнашчилари ушбу тадбир Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармонлари ўртасидаги сармоявий ва савдо алоқаларининг янги истиқболларини кашф этишга хизмат қилишига ишонч билдирдилар. Шу билан бирга, Американинг қатор компаниялари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини жиддий ўрганиб чиқишга тайёр эканликларини маълум қилишди.

"Cameco" корпорацияси вице-президенти К. Сейтц мамлакатимиз тоғ-кон саноатининг улкан салоҳиятини эътироф этар экан, иқтисодиётнинг барқарорлиги ва табиий ресурсларнинг мавжудлиги сабабли америкалик компаниялар учун жозибадор бўлган Ўзбекистон ҳудудида табиий қазилмаларни қазиб олиш бўйича ишлаб чиқилган қатор сармоявий лойиҳаларга қизиқиш билдиришди.

Ўзбекистондаги "CNH Industrial" директори П. Вэйкфилд мамлакатимизда экскаватор ва янги турдаги тракторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги ва ҳозирги кунда Ўзбекистон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш улушини оширишни режалаштираётганини айтди.

"Boeing" корпорациясининг халқаро операциялар бўйича директори Б. Лопп тадбир иштирокчиларини қўшма лойиҳалар ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорлик истиқболлари ҳақидаги фикрларини ўртоқлашди.

– Биз Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкор сифатида қараймиз ва ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш ниятидамиз, – деди у. – Шу йилнинг охирига қадар Тошкентда самолёт қурилмалари қисмларини таъмирлаш бўйича ҳудудда ягона бўлган марказ ташкил қилинади. У "Boeing-787 Dreamliner" янги авлод самолётлари авиация техникасига хизмат кўрсатади.

"Coca-Cola" компанияси ҳудудий менежери О. Пилецки келгуси йили компания янги турдаги маҳсулотлар – шарбат ва чой ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонга 50 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда сармоя киритишни режалаштираётганини маълум қилди.

"Lockheed Martin" компанияси бизнесни ривожлантириш бўйича директори Н. Томблин ҳам ўзбек ишбилармонлари билан ҳамкорлик даражасига, мамлакатимизда муваффақиятли бизнесни амалга ошириш учун яратилган қулай муҳит, изчил инфратузилма тараққиёти ҳамда бой илмий ва кадрлар салоҳиятига юқори баҳо берди.

**"Жаҳон" АА, Вашингтон.**

# МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

**Қибрай туманидаги "Зиё-Нон" хусусий корхонасига замонавий технологик ускуналар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш тармоғи кенгайтирилди.**

Илгари фақат қолипли нон ишлаб чиқарилган корхонада лойиҳа қиймати 76 минг АҚШ долларига тенг янги цех ишга туширилди. Бу аҳоли учун йилига қўшимча 88 тонна нон маҳсулотлари тайёрлаш имконини беради. Энг муҳими, 10 нафар маҳаллий ёшлар ишли бўлди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Луқма

# «МАНГА БАРИБИР, ТУРОВУРАМАН!»

Ишли, ишсиз – ҳамма эрталаб шошилиб йўлга чиқади. Шулар қатори мен ҳам ҳафтасига беш кун ҳалқа йўлда "Янги аэропорт – Чорсу савдо маркази" оралиғида қатнайдиган 37-ёки ўша янги аэропортдан Олой бозорига борадиган 55-автобусларни пойлайман. 20 сентябрь куни соат 7 дан 15 дақиқа ўтганда 55-автобус тошбақа юриш қилиб келди. Чиқдик. Ўша юришда давом этди. Тўрт-беш бекат юрмай, автобус йўловчиларга тўлиб кетди. Аммо, "Фарғона йўли" кўчасига олиб чиқувчи тўғри йўлга бурилгунча, ҳайдовчи тошбақа юришини қўймади. Бунгача ҳам бекатлар оралиғида қўл кўтарган йўловчи борки, "битта қўймай териб" борди.

Шундай ноўрин тўхташлардан бирида, автобус ҳадеганда юравермади. Афтидан, талабалар бўлса керак: "Ҳей, ака, кимни кутаяпмиз, ҳайдамайсизми?!" деб қолишди. Шуни кутиб турган эканми, ҳайдовчи болаҳонадор қилиб сўкина кетди: "Ҳей, кўтар ...ни, эшик ёпилмаяпти! Сиғмасанг тушиб кет на...! Манга барибир, қанча бўсаям туровураман!"

Автобус тирбанд. Боғча боласидан бошлаб, қиз-жувон, хотин-халаж, кекса чол-кампирларгача бор. Менинг ҳам ёшим етмишдан ошган. Ҳайдовчининг оғзидан чиққан уят сўзлардан кўнглим беҳузур бўлди. Айниқса, тепамда турган невара-эварам тенги қизчалар олдида жуда мулзам тортдим. Бир кўнглим ҳайдовчига дакки бериб қўяй дедим-у, фикримдан дарров қайтдим. Осмонга туфлаган одамнинг аҳволи маълум. Кенжа фарзандимдек келмайдиган йигитдан ўзим дакки (ҳатто сўкиш) эшитиб қолишим ҳеч гап эмас. Тарбияси шу тақлид кимсалардан ҳар нарса кутиш мумкин.

Шуларни ўйлаганим сари хаёлимда бир-бирига боғлиқ саволлар ғужғон ўйнай бошлади: "Бундай кимсалар қаердан пайдо бўлади?", "Оғзи коски кишиларни қандай раҳбар ишга олади?", "Уларга йўловчилар билан муомала қилиш маданияти тушунтириб бориладими?", "Кап-катта йигит бўлсада, ўзини босолмайдиган бундай ҳайдовчилар йўловчиларни эмас, балки карьерда шағал-қум ташиши керак-ку?!"

Бу ҳақли саволлар биргина менинг бошимни оғритаётгани йўқ бугун.



Иккита автобусда ишга қатнашим боис ҳайдовчи ва чиптачи билан йўловчилар ўртасида деярли ҳар куни такрорланадиган машмашаларга бевосита гувоҳ бўлишимга тўғри келади.

Гапни чайнамай, хулосага келсак, юқоридаги ўринли саволларга қаердан жавоб излашимиз керак? Ўша 55-йўналишда аҳолига хизмат кўрсатишни зиммасига олган 1-автопарк раҳбарлариданми? Нима бўлганда ҳам автобусу йўналиш ва ҳайдовчи ҳам ўзлариники. Биз юқорида автобус йўналиши, воқеа содир бўлган сана ва вақтини бежиз келтирмадик. Шунга қараб, ўша ҳайдовчи ким эканини бир зумда аниқлаш хамирдан қил суғургандек гап.

Шундай деймиз-у, лекин қарға қарғанинг кўзини чўқирмикин? Қолаверса, қайси раҳбар: "Мен ношудман, вазифамни уддалай олмаяпман" дерди. Шуни ўйлаб, "Тошкент ҳақиқати" газетасидан маслаҳат сўрашни маъқул топдик. Ҳар ҳолда, матбуотнинг, норасмий бўлсада, тўртинчи ҳокимият деган номи бор ахир.

**Собит МИРТИЛЛАЕВ,**
**пенсионер.**

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

**Бугунги кунда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида ташкилий масалалардан ташқари, қонунлар ҳамда давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинаётгани эътиборга моликдир. Жумладан, 2013 йилнинг ўтган даврида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 6 та (1 та навбатдан ташқари) сессияси бўлиб ўтди. 5 та сессия ишида 37 қарор қабул қилиниб, уларнинг жойлардаги ижроси депутатларнинг назоратида.**

# ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиладиган масалаларни Кенгашнинг доимий комиссияси ва партия депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигида дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш амалиёти қўлланилмоқда. Масалан, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 25 август куни бўлиб ўтган XXVIII сессияси кун тартибига партия депутатлик гуруҳлари иккита масалани ўрганиб, сўнг киритди. "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вилоятда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларининг Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги ижроси ўрганилиб, таҳлилий ҳужжат, видеолавҳа тайёрлаб, сессияда депутатлар муҳокамасига тақдим этилди.

Шунингдек, ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи республика Президентининг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги, ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш – муқаддас бурчимиздир" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлар олдидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг Паркент, Пискент ва Оққўрғон туманларидаги ижроси юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаб, Кенгаш сессиясида депутатлар иштирокида муҳокама қилди. Мазкур масалалар юзасидан тегишли ҳокимликлар фаолиятига танқидий нуқтаи назардан холис баҳо берилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солишга қаратилган аниқ тавсиялар билдирилиб, қарор бандлари чуқур таҳлиллар асосида баён қилинди.

Вилоятда бўлгани каби туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида ҳам партия депутатлик гуруҳларининг сессия кун тартибига масалалар киритиши амалиёти ривожланиб бормоқда. Чунончи, ЎзМТДП туман, шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари тўққизта масалани ўрганиб, сессия кун тартибига киритди. Маҳаллий кенгаш депутатлари сўрови билан турли ташкилот ва корхона раҳбарларига 61 та депутатлик сўрови юбориб, жойларда депутатлик назорати олиб бормоқда.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, кенгашларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳам депутатлар фаоллик кўрсатмоқдалар. Хусусан, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, ЎзЛиДеП аъзоси Ш. Умурзоқов Оҳангарон тумани "Убайд" ва "Увак" маҳаллаларида сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказмоқда. Шунингдек, ҳудуддаги муаммолар ечимига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, аҳоли билан учрашувларда, фуқароларнинг мурожаатлари асосида 7 та депутатлик сўрови юбориб, ижобий ҳал этилишига эришди. Болалар спортини ривожлантириш ҳомийлик Кенгаши йиғилишида қабул қилинган қарор ижросининг таъминланишида ҳам ташаббус кўрсатиб, Оҳангарон тумани Қорахитой болалар спорт мажмуасида вилоят ўқувчилари ўртасида 6 та тур бўйича Хотира турнири ташкил этди. Унда 845 ўқувчи-ёшлар, шу жумладан, 176 нафар қизлар спортнинг футбол, волейбол, бадиий гимнастика, кураш, бокс, шахмат турлари бўйича куч синашишди. Ғолибларга "Сарвар-Азиз-Умарзода" фермер хўжалиги ҳомийлигида эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Бахриддин ХОЛБЎТАЕВ,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси.**
**Тўлқин АЛИҚУЛОВ,**
**етакчи мутахассис.**



**Чиноз тумани "Нуроний" жамғармаси биноси доим кекса отахону онахонлар билан гавжум. Уларнинг бирига моддий кўмак керак бўлса, яна бири соғлиғини тиклаш умидида. "Уйда неваралар тўполонидан безор бўлиб, шу ерга чиқиб, тенгдошларим билан мириқиб суҳбатлашаман", дейдиганлар ҳам топилади. Бу бежиз эмас. Чунки, раис Мираҳмад Давроновнинг доим қўли кўксида. Мурожаат қилувчиларни қайтарганини шу пайтгача ҳеч ким кўрган эмас.**

# УЛАР ДОИМ ЭЪЗОЗУ ЭҲТИРОМДА

-Биз томонларга қандай шамоллар учирди, отахон?

– Келинг, ая, овора бўлибсиз-да, қўнғироқ қилсангиз, ўзим учиб борардим.

– Дўстим, шу ҳам муаммо бўлдими, ишим ҳал бўлди, деб ҳисоблайверинг.

Раис ана шундай инсон. Ҳеч кимни бу даргоҳдан ноумид қайтармайди. Иш столи устидаги дастурхон ҳеч йиғиштирилмайди. Ҳар бир келган одамнинг қўлига бир пиёла қайноққина чой тутқазади.

Раиснинг хонасидаги китоб жавони мамлакатимиз қонунлари, Юртбошимизнинг қарор ва фармонлари, ҳукумат ҳужжатлари билан тўла. У ҳар бир ишни қонуний бажаришга одатланган.

– Қарияларни қадрлайдиган юртда яшаётганимдан хурсанд бўламан, – дейди Мираҳмад Давронов. – Кўплаб қарор ва фармонлар чиқарилганки, улар нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Туманимизда ёши бир жойга бориб қолганлар доим эъзозда. Улар жамиятга ҳали керак эканликларини англатиб турамиз. Шундай қарияларимиз борки, уларни тирик тарих, тайёр энциклопедия дейиш мумкин. Ёшларимиз улардан кўп нарса ўрганишларини истардим. Улардан ўрганганлари ҳаёт йўлларини ёритиб туришига ишонаман.

Мираҳмад Давронов раҳбар бўлиб келганидан сўнг биринчи иши жамғарманинг ҳудудий таянч пунктлари – жамоатчилик марказларини тўлиқ шакллантириш бўлди. Натижада, 11 та қишлоқ ва 13 та шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинида шундай марказлар ташкил этилди. Тиниб-тинчимаган раис "Нуронийлар" жамоатчилик қабулхоналарини ҳам очди. Қабулхоналар муаммоларни жамоатчилик ёрдами, қолаверса, давлат ижроия органлари билан ҳамкорликда ҳал этиш имконини бермоқда.

– Агар қилаётган ишларимизни гапираман, десам мақтанишга йўйишлари мумкин, – дея суҳбатни давом эттирди раис. – Лекин нуронийларни қўллаб-қувватловчилар сафи кенгайиши учун бир қатор мисолларни келтираман. Ўтган уч йил ичида ижтимоий ҳимояга муҳтож 2322 нуроний ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам олди. Ёлғиз қариялардан уч нафарининг уйлари таъмирлаб берилди.

М. Давронов шу ишлар билангина чекланиб қолмаяпти. Унинг меҳнат фахрийлари ва кекса нуронийларга қорамол ҳадя этиш йўли билан шахсий ёрдамчи хўжаликларни шакллантириш бўйича мурожаати барчада катта қизиқиш уйғотди. Унинг бу таклифи туман ҳокимига ҳам маъқул келди. Таклиф доирасида тезда ишга киришилиб, 12 меҳнат фахрийси ва кекса нуронийга қорамоллар тарқатилди.

– Одамнинг ёши бир жойга бориб қолгандан кейин гоҳида инжиқ, гоҳида сергап, баъзи пайтлар ичимдагини топ бўлиб қолади, – дейди М. Давронов. – Уларнинг кўнглини бирдек олишга ҳаракат қиламан. 16 фахрийга ногиронлар аравачаси, 32 қарияга эшитиш мосламаси ва ортопедик жиҳозлар олишда ёрдам кўрсатилди.

Тумандаги тадбиркорлару ишбилармонларнинг "Нуроний" жамғармаси учун доим қўллари очиқ. Улар 780 нуроний, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёратга олиб боришга кўмаклашишди. 224 фахрий сиҳатгоҳларда дам олиши, 266 нафари шифохоналарда имтиёзли даволанишида фермерлар ҳиммат кўрсатишди.

Мираҳмад Давронов қабулига келувчилар билан суҳбатни якунлагач, йўлга тушди. Тушдан сўнг тумандаги иккита мактаб ва касб-ҳунар коллежида ўқувчилар билан авлодлар учрашувини ўтказишга ваъда бериб қўйган.

– Кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибаси ва ибратли фаолиятини ёшларга ўргатиш керак, – дейди у.

"Кийиниш одоби", "Ёт оқимлар – ёшлар душмани", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Гиёҳвандлик – аср вабоси", "Экстремизм ва ёт диний ғоялардан огоҳ бўлинг" каби мавзулардаги учрашувлар яхши самара беряпти.

Турли байрамлар олдидан уюштириладиган хайрия ҳашарларида туман "Нуроний" жамғармаси, шахсан Мираҳмад Давроновнинг ташаббуси билан битта зиёратгоҳ, 42 та қабристон, 49 та маҳалла кўчалари ободонлаштирилди. Бу ерларга экилган кўчатлар нуронийларнинг шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилганлиги эътиборга молик.

Ўтган йили жамғарма ташаббуси билан "Поклик-бойлик" кичик корхонаси ишга туширилди. Шу корхона негизида "Нуроний" чойхонаси, кекса фахрийлар учун парҳез таомлар ошхонаси ва гул дўконлари ишлаб турибди. Янги корхонада 14 фуқаро ўз иш ўрнига эга бўлди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** "Султон Агманов" фермер хўжалиги раҳбари Арслон Усмонов ўз даласида етиштирган буғдойдан 2 тоннасини фахрийлар Мирзарайим Эсонов ва Ўриш Турғуновга илинди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Обод турмуш йили

# ЛОЧИН КЕЛИН

**Ангрен шаҳри Облиқ қишлоғи "Қирариқ" маҳалласида бир хонадон бор. Серфайз, саранжом-сариштa, қут-баракали. Нуроний онахон Лотин ая 84 ёшда. Қўллари дуоюю фотиҳага, диллари эзгу тилакларга эш. Гулу райҳон ифори, ширин-шакар мевалар иси димоғингизни чоғ қилиб, руҳингизни тетиклаштирадиган бу обод хонадоннинг тилсими аҳил-иноқ келинлар пойқадамидан. Бу ҳовлида уч ўғил, бир қиз ўсиб, вояга етган. Бахтиёр, Зафар, Баҳодир, Дилфуза. Улар яхши ният билан берилган исмларига монанд инсонлар бўлиб етишишди. Бахтиёр – муҳандис, Зафар – ҳарбий хизматчи, истеъфодаги подполковник, Баҳодир – электр пайвандчи, Дилфузахон ўқитувчи.**

– Барчаси эл хизматида, – ғурур билан сўзлайди ая. – Ўзим 45 йил мактабда математикадан дарс берганман. Фарзандларимизни отаси билан "Ўқитувчининг боласи бошқаларга ибрат бўлиши керак" дея тарбияладик. Шукрки, келинларим ҳам кўнглимдагидек инсофли, диёнатли, меҳр-оқибатли. Аслида уларнинг ота-онаси ҳам яхши одамлар. Қизларига яхши тарбия беришган...

Аянинг икки ўғил, икки келини билан бир ҳовлида яшаётганига кўп йиллар бўоди. Ҳатто невара келин ҳам олган. Яқинда яна бир неварасини уйлантириш ниятида. Хонадон аъзоларининг аҳиллигига барча ҳавас қилади. Ҳеч қачон овсинлар ҳам, ака-ука, жиянлар ҳам "сан-манга" боришмаган. Айниқса, Нодирахонни яхши танийдиганлар "Лотин аянинг лочин келини" дейишар экан.

– Мени қайнонам мактабда ўқитган, – дейди ўртанча келин Нодира фахр билан. – Ўшанда отам: "Агар қизимизни ўқитган ўқитувчиси ўғлига сўраб келган экан, бу яхшилик аломати. Қизинг ҳам борган жойида барака топади", – дедилар. Мана, орадан йиллар ўтиб, ўзим ҳам куёвлик, келинлик бўлдим. Отам айтганларидек, барака топиб келаяпман...

Нодирахон аслида муҳандис. Резина техника комбинатида муҳандис-конструктор бўлиб ишлаган. Кейинчалик тақдир тақозоси билан таълим йўналишини танлашга тўғри келди. Уй-рўзғор, оила, бола тарбиясидан ортиб, ўқишни ўзи бўлмайди. Аммо, Нодира бу ишни уддалади.

– Турмуш ўртоғим ҳарбий хизматчи бўлганлари учун уйимиздан узоқларда яшашга тўғри келган, – дейди у. – Бекор ўтирмай деб, тикувчиликни ўргандим. Мактаб, коллежлар учун бир хил кийим жорий этилишида бизнинг фикрларимиз ҳам инобатга олинган.

Нодира ҳозир Ангрен ахборот технологиялари ва саноат коллежида дарс беради. Унинг бизнес-лойиҳаси асосида ташкил этилган тикув цехида коллеж ўқувчи-қизлари ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишади. Чеварчилик сирларини ўрганишади. Қизлар таълим-тарбиясига масъул ўқитувчилардан бири сифатида кўпгина қизиқарли тадбирларни уюштиришда ҳам бош-қош.

– Ўқувчилар, айниқса қизлар билан ишлаш мароқли, – дейди у. – Коллежимизни битириб чиқаётган билимли, ақлли ўқувчилар, ҳаёли, иболи, зукко қизлар ўқитувчиларнинг "юзи" дейишади. Уларни кўриб, бизга баҳо беришадида. "Онасини кўриб, қизини ол" деганлари шу аслида. Яқинда менга психология – руҳшунослик фани бўйича дарс беришни таклиф этишди. Энди бир йил давомида ўқиб келганларимни ўқувчиларимга ўргатаман. Аслида аёл киши нафақат ишда, оиласида ҳам руҳшунослик илмини яхши қўлласа, бу фақат яхшилик, эзгуликка хизмат қилиши табиий. Ҳозир биз бир ҳовлида 4 оила яшаймиз. Лекин ҳеч ким нолимайди. Лотин аямизнинг бағри кенглиги хонадонимизни ёритиб турса не ажаб!

Суҳбат асносида бир зумда ёзилган дастурхон ноз-неъматларга тўлди. Тавозе билан чой узатиб турган келинчак эътиборимизни тортди.

– Келиним Сайёрахон, – деди Нодирахон мамнунлик билан. – Коллежда ўзим ўқитганман. Ақл-фаросати, одобига гап йўқ...

– Келинингизга катта оиланинг юмушлари малол келмайдими? – сўраймиз ҳавас билан.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз? Кичигимизни уйлантирсак ҳам, "Сизлар билан яшайман" дейди омон бўлгур. Қайнона бувилари, қайноталарини айниқса жуда ҳурмат қилади. Шу кунларда овсиним Мастурахон ўғил уйлайди. Шунинг ҳаракатидамиз.

– Катта оиланинг харажатлари ҳам катта бўлади, дейишади...

– Тўғри айтасиз. Аммо, хонадонимизда бекорчининг ўзи йўқ. Аввало, аяжонимиз шу ёшларида ҳам бекор ўтирмайдилар. Невараларни тарбиялаш, нималарнидир тикиш-қавиш, гулзор парвариши, китоб ўқиш... Турмуш ўртоғим ҳам нафақага чиққач, бир иш бошладилар. Бедана боқишни ўрганиб олганлар. Бу иш жуда нозик, аммо, ўзларига ёқади... " Хониши кайфиятни кўтаради, тухуми соғлиқни мустаҳкамлайди" дейдилар. 200 дан ортиқ беданалар хўжайинимга жуда ўрганишган, баъзан Илҳомжон, Шоикром ўғилларимиз қарашади.

Нодирахон Шоисматова оқила уй бекаси, меҳр-оқибатли келин, ғамхўр она, меҳнаткаш, қайнонаси таъбири билан айтганда тили ширин, қўли гул бу қувноқ аёл ҳаётдан фақат эзгулик излаб яшайди. Тўкин дастурхондаги барча неъматлар оила аъзоларининг меҳнати билан етиштирилган. Лочиндек ўз хожасига, аҳли оиласига содиқ аёллар бор экан, ҳаёт гўзал, турмуш обод. Интилиш, изланиш, ҳаракат – Шоисматовлар хонадонининг тилсими, бахтли ҳаёт калитидир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Юз билан юзлашганлар



# ТАҚДИРНИНГ СИЙЛОВИДАН МАМНУН

**Бўстонлиқ тумани Сижжак қишлоғини билмайдиган одам бўлмаса керак. Бу жойнинг баҳаволиги, танга ҳузур бағишловчи зилол сувлари, ям-яшил адирлари ҳаммани ҳордиқ чиқаришга чорлаб туради. Айниқса, қишлоқда 100 ёшни қаршилаганларнинг кўплиги кишини ҳайратга солади.**

– Қишлоғимизда 4000 га яқин аҳоли бор, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Лутфулла Турсунбеков. – 912 хонадондаги 1230 оиланинг аҳил-иноқ яшашида 100 билан юзлашган нуроний отахон ва онахонларимизнинг ҳиссаси катта. Ҳатто, мени ҳам ёш боладек тергаб туришади. Уларнинг маслаҳатисиз бирор ишни бошламайман.

Кексаларимизнинг ҳаётий тажрибаси, маслаҳати, тарбияси билан вояга етаётган ўғил-қизларимиз кам бўлишмаяпти. Хоҳ оддий кун бўлсин, хоҳ байрам-шодиёна, уларни бориб кўришни канда қилмаймиз.

Саъдулла бобо Қобилов ҳам бу йил 100 ёшни қаршиладилар. Манзура ая билан яхши ниятда бир ёстиққа бош қўйишганига 72 йил бўлибди. Тақдир уларни 8 ўғил ва 2 қиз билан сийлади. Чол-кампирнинг барча фарзандлари ҳалол, меҳнаткаш, оқибатли эканига қишлоқдошларнинг ҳаваси келади. Оиладагилар турли касб-ҳунар билан шуғулланишади: шифокору электр тармоғи ходими дейсизми, ўқитувчи, тикувчи ва ҳоказо. Келинларнинг пазандалигию, қўли гул тикувчилиги узоқ-яқинга ёйилган. Хонадонда нима муаммо туғилмасин, бегонанинг хизматига ҳожат йўқ.

Отахон аср билан юзлашган бўлсалар-да оёқ узатиб ётишни хаёлларига келтирмайдилар. 33 невара ва 30 эваранинг ташвиши билан андармонлар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ олган сурат.**

Маънавият

**Атоқли шарқшунос-арабшунос олим Убайдулла Уватовни юртимизда танимайдиган бирор илм толиби бўлмаса керак. Шу кишининг биз талабалар билан бўлган учрашувидаги бир гапи сира ёдимдан чиқмайди. Мактаб ва коллежлардаги турли йиғинларда тез-тез тилга олиб тураман.**

# БИЛИМЛИГА ТОҒЛАР ЭГАР БОШИНИ

"1999 йили Тунисда – Абу Али ибн Сино номидаги анжуманлар саройида бўлиб ўтган халқаро семинарда қатнашганман, – деганди у киши. – Тасаввур қилинг: юртимиздан минглаб чақирим олисдаги муҳташам бир сарой буюк ватандошимиз номида. 56 мамлакатдан вакиллар келган. Бу кишида қанчалик фахру ғурур уйғотади. Анжуманнинг бешинчи куни менга навбат тегди. Араб тилида ярим соат маъруза қилдим. Биринчи сўзим шу бўлдики, "Мен сизларга мана шу кошонага номи берилган шайхур-раис, буюк табиб Абу Али ибн Сино юртидан, Имом ал-Бухорий, Беруний, Хоразмий, Замахшарий, Фарғонийлар юртидан салом келтирдим", дедим. Шундай қарсаклар бўлдики..."

Дарҳақиқат, биргина шу воқеанинг ўзиёқ илмнинг фазилати нақадар буюклигини, билим ўз соҳибининг қадрини ва қаддини ҳар доим, ҳамма ерда юксакка кўтаришини яққол кўрсатиб турибди.

Холуқ Нурбоқийнинг "Қуръони Каримнинг илмий мўъжизари" китобида шундай бир ғаройиб воқеа келтирилади. Америкалик кашфиётчи олим Томас Эдисон 1867 йилда электр лампасини кашф этади. Ва кейинчалик унинг жавонидан Қуръоннинг "Нур" сураси топилади. Бу кашфиётнинг мўъжизавий томони шундаки, сурадаги "Ўт тегмаса ҳам ёритиб юборгудек" оятининг абжад ҳисобидан ҳижрий 1284 йил, мелодий 1867, яъни электр лампа кашф этилган йил келиб чиқаркан. Демак, башарият ҳаётида катта бурилишга сабаб бўлгувчи кашфиётнинг қачон яратилиши ҳақида еттинчи асрдаёқ илоҳий башорат бўлган экан.

Илм-фан тараққий этгани сари Қуръони Каримнинг бу каби мўъжизалари, асл мазмун-моҳияти очилиб борадики, шу боисдан муқаддас китобимизнинг юзлаб оятларида илм олишга, борлиқ дунё сир-асрорларини англашга даъват этилганини кўрамиз.

Дунёни ўз салоҳияти, мўъжизавий қомусий билимлари билан лол қолдирган бобокалон алломаларимиз Қуръони Карим амри, Ҳадиси шариф кўрсатмаларига қатъий амал қилганликлари учун ҳам биз бугун диний, дунёвий деб атайдиган бир неча фанга асос солган, башар тараққиётини янги босқичга кўтарган эдилар.

Ватанимиз истиқлолга эришгандан кейин давлатимиз раҳбари юритган оқилона сиёсат асосида диний-миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни тиклашга киришдик. Айниқса, таълим-тарбия тизимини миллий асосда қайта шакллантиришга катта эътибор берилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, шу асосда изчил иш олиб борилмоқда. Мамлакатимизда юзлаб мактаблар қурилди, минглаб мактаблар таъмирланди. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, лицей-интернатлар барпо этилди. Жумладан, бизнинг Пискент туманидаги 39 та мактаб, 5 та коллежда минглаб ёшларимиз замонавий русумда барпо этилган муҳташам биноларда, зарурий ўқув қуроллари билан жиҳозланган синфхоналарда таҳсил олмоқдалар.

"Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам", деган эди Имом Бухорий ҳазратлари. Дарҳақиқат, дунё илм билан, илм соҳиблари билан ободдир. Барча эврилишлар, юксалишлар илм заҳматкашлари меҳнати орқасидан юзага келади. Шу сабабдан ҳам илм соҳиби, илм заҳматини чеккан зот Яратган олдида ҳам, аҳли дунё олдида ҳам ҳамиша қадрланади, шараф топади.

**Зайнилобиддин ҚУДРАТОВ,**
**Пискент туманидаги «Мулла Бўта қози» жоме масжиди имом-хатиби.**

# УСТОЗЛАР СУЛОЛАСИ

Узоқ йиллар Тошкент Давлат юридик институтида турли вазифаларда ишлаб, республикамиз ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари учун ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш каби ўта масъулиятли ишларда тиним билмай меҳнат қилди.

Республика раҳбарияти ва ҳукуматининг юксак ишончига сазовор бўлиб, кўп йиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг биринчи проректори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш бўйича Олий малака комиссиясининг аъзоси каби юксак, шарафли вазифаларда сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланди.

Тиллабой ота ва Гулнора аянинг неваралари, ёр-биродарлари ўқитувчи-мураббийлик ва таълим-тарбия соҳасидаги ишларининг давомчилари



бўлган фарзандлар билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Юздан ортиқ невара-чевара, эваралари бир ҳовлига йиғилганида, саришта хонадон уларнинг меҳридан ёришиб, тўйхона бўлиб кетади. Уларни кузата туриб, шу гаплар хаёлимдан ўтади:

*Чинорнинг умридек*
*устозлар умри,*
*Маърифат булоғи –*
*ҳар бир сабоғи.*
*Ҳар босган изида*
*минг ҳикмат яшар,*
*Ёришиб кетади*
*умр сўқмоғи.*
*Бу чинор бўй чўзган*
*бугун осмонга,*
*Унинг илдизлари*
*мисли шалола.*
*Хизр назар қилган*
*аҳли Хумсонга*
*Ҳамиша ибратдир*
*шундай сулола.*

**Акмал ИНОНБОБОЕВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

**1,5 млн. гектардан ортиқ майдонни эгаллаган вилоятимизнинг табиат манзаралари, ям-яшил ўрмонлари, ноёб ва шифобахш ўсимлик дунёси, маҳобатли тоғлари бағрида яшаётган ҳайвонот олами, Сирдарё, Оҳангарон, Чирчиқ дарёлари, уларнинг зилол сувларини маскан тутган балиқлари ва бошқа сув ҳайвонлари бетакрор жозибаси билан кўпчиликни мафтун этади.**

# ВИЛОЯТНИНГ СЕҲРЛИ БУЛОҚЛАРИ



Шунинг учун Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари бағридаги кўплаб сўлим оромгоҳлар йил-ўн икки ой дам олувчи ва зиёратчилар билан гавжум. Вилоятимиз табиатининг бу қадар кўркам ва жозибали кўринишида 5 мингдан ортиқ булоқлардан ҳосил бўладиган кўллар, ирмоқлар ва 220 дан ортиқ сойларнинг ўрни алоҳида.

Булоқлар асосан тоғ ёнбағирларида ер ости сувларининг сизиб чиқишидан ҳосил бўлади. Тоғлар қаърида турли маъданлар ва 4000 хилдан ортиқ ўсимлик дунёсининг шифобахш хоссаларини ўзига сингдириб мавжланувчи булоқларнинг 100 дан ортиғининг ҳосил бўлиш тарихи, афсона ва ривоятларга бойлиги, хусусиятларига кўра муқаддас қадамжоларга, халқимизнинг зиёратгоҳларига айланган.

Оҳангарон тумани ажойиб конлари, ноёб кўҳна ёдгорликлари билан машҳур. Яна турли табиат тилсимлари, ғайри одатий ҳодисалари билан ҳам ўзига ром этади. Тоғли қишлоқларда яшовчи кексалар ҳаракатланувчи тошлар, кутилмаганда пайдо бўлиб ва яна бирдан қоялар орасида ғойиб бўлувчи булоқлар ҳақида ҳикоя қилишади. Шундай афсонавий булоқлардан бири Арашон бобо булоғи бўлиб, у Арашонсойнинг юқори қисмида жойлашган. Арашон сўзи сув маъносини англатиб, 3000 минг метр баландликда музликларнинг эришидан пайдо бўлган булоқлардан – Узункўл, Тулпоркўл, Етимкўл ажойиб манзара касб этган.

Тўртинчиси эса, қоя тошлар орасидан отилиб чиқувчи иссиқ булоқ сардобага оқиб ўтиб, маҳаллий аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Бу жойларнинг иқлими ўзгача хусусиятга эга. Июль ойида Тошкент шаҳрида ҳарорат +40⁰С даража бўлганда, бу ернинг ҳавоси +18⁰С – +20⁰С даражадан ошмайди.

Воҳанинг яна бир ажойиботларидан бўлган Қизилолмасой қуйи оқими чап қирғоғидаги Кўлбулоқ ҳақида халқ орасида кўп афсона ва ривоятлар яшайди. Маҳаллий аҳоли наздида булоқ суви шифобахш бўлиб, буйрак хасталигига даво. Инсон куч-қудратини тиклайди, тана ва кўнгилга таскин, хотиржамлик бағишлайди.

Тошкент-Оҳангарон йўлидаги Болғали қишлоғи ўтмишда яшаган уруғ-аймоқ номи билан боғланган. Унинг ҳудудида ҳам оз эмас, кўп эмас 10 та – Хизрбува, Кавсарбулоқ, Армон ота, Азиз она, Бузрук ота, Ҳожи ота, Чурукбулоқ, Иншооллоҳбулоқ, Қирқ бир чилтон, Ёсинбулоқ каби ажабтовур воқеа-ҳодисаларга боғлиқ булоқлар пайдо бўлган. Кўриниб турибдики, улар шу жойларга қачонлардир ташриф буюрган азиз-авлиёларнинг кароматларига оид воқеаларга боғлаб номланган ва кейинчалик муқаддас зиёратгоҳларга айланган.

Вилоятимизнинг ўзига хос ҳудудларидан яна бири Бўстонлиқ туманидир. У тоғлар, сойлар, булоқлар ўлкаси ва бетакрор табиат мўъжизаларига бой сўлим гўшалардан ҳисобланади. Бурчмулла, Яккатут, Нанай, Боғистон, Сижжак қишлоқлари, Кўксув, Чотқол, Пском дарёлари соҳилларидаги сойларни тўйинтирувчи юзлаб булоқлар табиатнинг жонлантирувчи бебаҳо сарчашмалари бўлиш билан бирга аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, қишлоқ хўжалик экинлари, боғ-роғларни суғориш, юздан ортиқ оромгоҳларда мўътадил иқлим барпо этиш учун хизмат қилиб келмоқда. Қайнарбулоқ, Қорабулоқ, Саврбулоқ, Тескарибулоқ ва Ширинбулоқ ўз хусусиятлари билан ўзоқ йиллардан буён маҳаллий аҳоли ва зиёратчиларни бағрига чорлаб келмоқда.

Ривоят қилишларича, қадим ўтмишда шу жойлардан Идрис Пайғамбар ўтиб, мўъжазгина қишлоқда дам олишга тўхтаган. У кишининг оёқ панжалари изи тушган тош остидан беш бармоқ каби ёнма-ён бешта жойдан сув отилиб чиқади. Мусаффо булоқлар кундан-кун кучайиб, бугунги кунда қайнаб чиқаётган зилол сув одамлар чанқоғини қондириб, руҳларига тетиклик, дардларига шифо бағишлаётган Қадамчибува зиёратгоҳига, Пайғамбар ҳассасини суққан жойдан тўрт-беш кишининг қулочи етмайдиган Чинор дарахти соя бериб турган сўлим гўшага айланган.

Шунингдек, Пискент туманидаги Қирққизобод ҳудудидаги сувсиз чўл ўртасида мавжланиб турган Қирққўзлик булоқлар мажмуаси халқ орасидаги ривоятларга кўра, узоқ ўтмишда босқинчилар асирга олган ва табиатнинг инояти билан тошга айланган қирқ қизнинг кўзларидан оққан мунгли кўзёшларнинг тимсоли дейишади. Мўъжиза туфайли шифобахш булоқлар пайдо бўлиб, ҳалиҳануз бахт истаган қизларимизга нажот бериб, инсонларга хизмат қилмоқда.

Вилоятимизнинг Паркент тумани ҳам ўзининг қадимий тарихи, осориатиқалари ва ноёб табиат бойликлари билан донг таратган масканлардан. Кумушкон қишлоғининг номланиши шу ерда мавжуд бўлган кумуш маъданлари қазиб олинадиган конлар билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда у ердан отилиб чиқаётган булоқнинг таркибида кумуш ва 20 дан ортиқ маъданлар борлиги туфайли ошқозон касалликларини даволашда беқиёс аҳамиятга эга. Ушбу ҳудудда "Кумушкон" оромгоҳи фаолият кўрсатиб, жуда кўплаб беморларнинг дардига малҳам бўлмоқда. Қишлоқнинг юқори қисмида Ҳазрат Али қадами етган булоқ бор. Унинг пайдо бўлиши бевосита Ҳазрат Алининг кароматлари билан боғланиб, халқ орасида Али бобо номи билан машҳур зиёратгоҳга айланган. Унга ташриф буюрган ҳар бир зиёратчи виқор тўкиб турган улкан чинор ва унинг томиридан отилиб чиқаётган булоқни кўриб, руҳи енгил тортади ва ривоятларнинг чинакам мўъжизаларига тан беради. Бундан ташқари, туманнинг Чанги, Хисорак, Заркент қишлоқлари ҳудудидаги Қўтирбулоқ, денгиз сатҳидан 800 метр баландликда жойлашган Заркентота каби булоқлари ҳам шифобахшлиги ва мўъжизаларга бойлиги билан халқ орасида кенг ном таратган.

**А. АБДУҲОЛИҚОВ,**
**Б. САЙФУЛЛАЕВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат инспекторлари.**

**ЭЪЛОНЛАР**

**"SPARETRA" МЧЖда 2013 йил 20 августдан 2013 йил 20 сентябргача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 27.08.2013 | Яккасарой тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Ласетти" д.р. 01 770 DAA | 26 140 000 | 42 000 000 |
| 29.08.2013 | Бектемир тумани СИБ | 1986 й. и.ч. "Ваз-21013" д.р. 01 W 609 GA | 3 710 881.72 | 3 990 000 |
| | | 1985 й. и.ч. "Ваз-21063" д.р. 01 R 728 BA | 4 045 128,76 | 4 320 000 |
| | | 1980 й. и.ч. "Ваз-2106" д.р. 01 Q 690 NA | 4 993 100 | 5 375 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | "Газ-31029" д.р. 11 E 7153 | 2 855 493 | 3 095 000 |
| | | 2006 й. и.ч. "Газ 31105" д.р. 10 Q 367 CA | 4 001 069 | 4 320 000 |
| 02.09.2013 | Чилонзор тумани СИБ | 2007 й. и.ч. "Нексия" д.р. 30 Y 5007 | 23 533 157.94 | 24 900 000 |
| 03.09.2013 | Ўрта Чирчиқ тумани СИБ | 1988 й. и.ч. "Ваз 2106" д.р. 01 T 125 JA | 2 313 191 | 2 560 000 |
| 09.09.2013 | Бўка тумани СИБ | 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10 855 QAA | 22 240 980 | 23 060 000 |
| 16.09.2013 | Миробод тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Нексия Донс" д.р. 01 L 724 KA | 25 119 763 | 26 350 000 |
| | Паркент тумани СИБ | 1983 й. и.ч. "Ваз 21061" д.р. 01 W 937 FA | 2 244 012,16 | 2 400 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1983 й. и.ч. "Ваз-21063" д.р. 10 N 623 BA | 6 427 000 | 6 950 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 1982 й. и.ч. "Уаз" д.р. 11 F 2438 | 1 273 498,2 | 1 390 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1969 й. и.ч. "Газ-21" д.р. K3894ТШ | 331 946 | 362 000 |
| 19.09.2013 | Чирчиқ тумани СИБ | "Шевралет Корсика" д.р. 01 U 049 DA | 2 880 410,4 | 3 080 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 1999 й. и.ч. "Тиркама" д.р. 4802 AY | 27 844 759 | 29 700 000 |

**Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.**

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 9585-сонли ижро ҳужжатига асосан Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси, 92-уйда жойлашган бино-иншоот. Бошланғич баҳоси – 75 582 000 сўм бўлган кўчмас мулк қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 13 сентябрдаги 54-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги: Тошкент вилоятидаги "INFINITY TRANS GROUP" МЧЖга тегишли: – "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2011 йил 10 март куни берилган, 2012 йил 25 декабрда юридик манзили ўзгарганлиги сабабли қайта расмийлаштирилган "АТ" серияли 000605-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 14 сентябрдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатилганлиги тўғрисида маълумот беради.**

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖда 2012 йил 20 августдан 2013 йил 20 сенябргача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 27.08.2013 | Қибрай тумани СИБ | Қибрай тумани СИБ томонидан 27.11.2011 й. ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси, 20-уй, 9-хонадон | 35 635 063 | 37 900 000 |
| 29.08.2013 | Зангиота тумани СИБ | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к ҳудудида жойлашган 2-блок, 2-сонли савдо дўкони | 67 847 400 | 72 050 000 |
| 09.09.2013 | Бўка тумани СИБ | Бўка тумани СИБ томонидан 20.01.2012 й. № 2-165/03-12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бўка тумани, Ўзбекистон кўчасида жойлашган чойхона биноси | 43 787 875 | 46 500 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 98-сонли савдо дўкони | 59 541 350 | 63 150 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 11-сонли савдо дўкони | 11 715 818 | 12 500 000 |
| | | Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудида жойлашган 12- сонли савдо дўкони | 11 422 923 | 12 100 000 |
| 16.09.2013 | Чилонзор тумани СИБ | Чилонзор тумани СИБ томонидан 16.04.2013 й. № 1-493/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Эркинлик кўчаси, 28-уй | 72 187 500 | 76 100 000 |

**Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юбнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.**

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиғини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси.**

Қуйи Чирчиқ туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Саидказиев Абдулла Абдулатипович номига берилган O'R-SH № 0745536 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 25.04.2012 йилда гувоҳнома рақами № 10-09694 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Николаенко Ирина Сергеевна"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 23.02.2012 йилда гувоҳнома рақами № 1009506 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 456061288) Хамитов Алишер Мирза-ахметовичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳри, Чилонзор-Е-41/1 манзилида жойлашган "UYUTNIY BEREG" (ИНН 302604084) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (жамият якка таъсисчисининг қарорига асосан).

Маълумот учун тел.: (+99898) 306-12-66.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "NOZANIN STYLE" (ИНН 301346249) хусусий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Маълумот учун тел.: (+99890) 167-68-80.

Тошкент щаҳар Миробод туманида жойлашган Тошкент фармацевтика институти томонидан 1990 йилда Каромов Низом Султанович номига берилган УВ-I № 047923 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**




**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни эълон қилади!**

**Загиота тумани 2-сон давлат нотариал идорасига .......... 1 нафар**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!**

**Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасига .................. 1 нафар**
**Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига ........ 1 нафар**
**Бекобод туман давлат нотариал идорасига .................. 1 нафар**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2013 йил 10 октябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.**

ООО "ASPOLIGRAF" (ИНН 207010831), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантохурского района г. Ташкента, гувохнома № 003417-09 от 08.07.2009г., расположенное по адресу: проезд Адхам Рахмат, 12-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение № 5 от 19.09.2013г.).

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по тел.: 226-76-74, 226-53-04.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, 3-А уйда жойлашган "FIML CONSTRUCTION" (ИНН 206771274) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (асос: таъсисчининг 16.09.2013 йилдаги қарори).

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа кўчаси, 3-А уй манзили бўйича ва (+99871) 246-08-01, (+99890) 927-88-58 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 18 августда 006185-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SAYQAL EFFEKT" МЧЖ фаолияти норентабеллиги сабабли **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 255-20-48 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми томонидан 2004 йилда Гончаренко Андрей Георгиевич номига берилган Т № 148055 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан 06.02.2013 йилда 008059-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "XALIMAXON NUR" (ИНН 302487714) хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ** (асос: 20.09.2013 йилдаги 1-сонли қарор).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, 15-мавзе, 36-уй, 1-хонадонда қабул қилинади.

"JAVOHIR POKIZA SAVDO" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный аттестат АО № 027723, выданный в 1995г. школой № 7 г. Пискент Ташкентской области на имя Алиевой Мавиле Юнусовны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 27.01.2010 йилда 2930 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TURKISTONDAN QAMAR MEBELLARI" (ИНН 301465127) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (Асос: 20.09.2013 йилдаги 1-сонли қарор).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 997-46-55 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ООО "AVTOKOMTRANS" (ИНН 205879835, ОКПО 20471954), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента за реестр. № 000997-09 от 23.11.2005г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. А. Кадырий, 35, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение общего собрания учредителей № 3 от 19.09.2013г.). Финансово-хозяйственную деятельность не осуществляет.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. А. Кадырий, 35. Тел.: 150-20-38.




# ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ-ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Деҳқон, чорвадор ўз маҳсулоти билан мақтанса, ғурурланса, унда навбатдаги катта ишларга иштиёқ пайдо бўларкан. Яна кўпроқ моддий қиймат яратишга куч-қувват келаркан. Буни биз "Ислом ота сулолалари" фермер хўжалигида бўлиб, буғдойдан бўшаган пайкалларга пиёз, картошка, укроп, сабзи сингари экинларни экиб қўйган 41 ёшли ғайрати ичига сиғмайдиган раҳбар, раҳбар бўлганда ҳам иқтидорини, қобилиятини яна ҳам ривожлантириб бораётган Қаҳрамон Раҳимов билан, айниқса, унинг қўли қадоқ, енги шимарилган ишчилари билан суҳбатлашганимизда кўрдик. Садриддин Сайфуддинов раҳбарлик қилаётган яна бир фермер хўжалигининг катта ишларини кўриб қувондик. Ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириб, ишчиларига берадиган даромадни яна ҳам кўпайтириб, кўплаб янгиликларни фермер даласига олиб келишда ҳамкасбларидан анча ўзиб кетибди. Ҳа, икки Янгийўл бирлашиб, катта Янгийўлга чиқиб олгач, шундай ҳолатлар юзага келибди.

Бу ҳолатлар рақамларда қандай акс этаётган экан, деган фикр кўнглимиздан ўтди. "Кўчадаги гап уйга тўғри келмайди", деган мақолни ҳам эслагандек бўлдик. Йўқ-йўқ, кўрганларимизга, эшитганларимизга эътирозимиз йўқ. Фақат кўргану билганларимиз рақамларда қандай акс этаётганини ўз кўзимиз билан кўргимиз келди. Камгап, ҳар сўзини ўйлаб, компьютердаги рақамларга таққослаб айтадиган Раҳмиддин билан қувноқ, дилбар мақоллар айтишдан чарчамайдиган Бахтиёр акани яна суҳбатга чорлаймиз. Ва яна саволни қисқа берамиз, жавоб ҳам қисқа бўлсин деб келишиб оламиз.

– Туманнинг ҳудуди?
– 43 минг гектар.
– Аҳолиси?
– Икки юз қирқ саккиз минг.
– Ғалла?
– 27 минг тонна буғдой топширдик.
– Мева?
– 25 минг тонна.
– Узум?
– 12 минг тонна.
– Картошка?
– 24 минг тонна.
– Сабзавот?
– 1598 минг тонна.
– Полиз?
– 5 минг тонна.
– Гўшт?
– 12 минг тонна.
– Сут?
– 41 минг тонна.
– Тухум?
– 10 миллион дона.
– Балиқ?
– 160 тонна.
– Саноат моллари?
– 250 миллион сўмлик...

Ҳадеб, рақамларни санаб ҳурматли газетхонни зериктириб қўйишдан чўчиброқ ҳам турибман. Лекин начора, 248 минг аҳолининг куч-қуввати, моддий имконияти, салоҳияти мана шу рақамларда акс этиб турган бўлса, бошқа иложимиз ҳам йўқда. Бу рақамларда янгийўлликларнинг фидокорона меҳнатлари, яратаётган янгиликлари шундоққина акс этиб турибди-да! Ахир, гап далалардаги бойликлар ҳақида борса, уларни ёзишдан тўхтаб қолармидик.

Шу ўринда бир ҳазилнамо гап ҳам айтгим келаяпти.

Айтишларича, қозоннинг қулоғини қаердан чиқариш қозончининг ихтиёрида бўларкан. Очеркчи ҳам қайси материални саҳифанинг қайси ўрнига жойлашни ихтиёр этса, ахир, бунинг нимаси ёмон? Аслида у ёзувчидир, у журналистдир, қўлига қалам олса, айтаётган гапи тезроқ маъқул бўлишини ўйлайди. Мен ҳам шу ўйга бориб, рақамларни кўпроқ айтиб, ўқувчини зериктириб қўйган бўлсам, яна бир бор узр сўраб, ҳикоямни давом эттирсам.

Тумандаги яхши ниятли, ҳамиша ғолибликка интиладиган, олижаноб мақсадлар томон борадиган кўп-кўп фермерлар билан тўйиб-тўйиб гаплашдик. Ҳаммасида ҳам обод йилнинг ғурурини, ифтихорини кўрдик. Яхши ниятли киши катта ишларга қодир бўлади, деган ҳикматнинг тасдиғини шу ерларда билдик. Айниқса, "Истиқлол Агро омад", "Ниёзбош тонг қуёш", "Ситорахон" фермер хўжаликларида бўлганимизда, ҳикматнинг ҳақлигига иккинчи бор ишондик. "Тош қизи Тугмажон" фермер хўжалигида қанча таассурот олган бўлсак, улардаги янгиликлардан қанча қувонган бўлсак, бошқа фермер хўжаликларида янада кўпроқ янгиликларни кўрдик.



Гоҳо, журналистнинг кўраётган нарсамни бошқаларга ҳам шу гўзаллиги билан кўрсата олармиканман, деб иккиланган пайтлари бўлади. Мен ҳам шу иккиланиш ҳолатини бир дақиқа бошимдан кечиргандек бўлдим. Фермер ерларига қадам босишимиз билан, аввало, бизни қувонтирган унинг самбит қоматли тераклари бўлди. Тераклар, худди меҳмонларни кутиб олаётган ёш йигитлардек қоматларини тик тутиб туришибди, барглар ҳам шитирлашиб, чапак чалишиб, бамисоли хуш келибсиз оҳангида гап айтаётгандек. Фермернинг катта майдонга буғдой ўрнида эккан картошкалари қийғос гулга кирибди. Гуллар, оқ, сарғиш, нафармон рангда чарақлашиб, оламни чароғон қилаётгандек, қалбларга шодликни шовуллатиб қуяётгандек.

Кенг ариқ, наридаги майдонда ўрдаклар бирин-кетин юришиб, ғағалашиб, оламдаги барча тухум бизники дегандек битта-битта мағрур қадам ташлашяпти. Ҳовли орқасидаги майдон молхона учун экан. Ҳа, молхона кенг бўлгани яхши. Мол яйраса тезроқ семиради, деган ҳикмат бор. Говмиш сигирлар эринмасдан кавш қайтаришяпти, хашакни сутга айлантиришаётгандир, деган ўй хаёлимиздан ўтади. Ўйноқи бузоқчалар қозиғини узгудек бўлиб дала томон интилишяпти. Қўрадаги қўчқорлар меҳмонларга бир ўйин кўрсатайлик дейишдими, тўхтамай бош уриштиришаяпти.

Ўрта бўй, сариққа мойил, чўзиқ юзи, сўзлаганда юзини тез-тез силаб турадиган, мен бугун кўрган қаҳрамонларимдан ҳам камгапроқ, ҳар бир сўзини худди қудуқдан тортиб оладигандек ўйлаб гапирадиган ферма раиси Фозил Рихсибоев билан танишдик. Кечаю-кундуз ҳам иссиғу, ҳам совуқда, ҳамиша турмуш ўртоғининг ёнида бўлиб, ҳамма ишларида ёрдамчиман деб, гоҳо-гоҳо мақтаниб қўядиган Санобар опа билан ҳам танишдик. Табиий, тортинчоқлик ҳам бўлди. Лекин бора-бора бу ҳолат чекиниб, баҳри дилимиз очила бошлади.

Далага белни маҳкам боғлаб, кетмонни елкага қўйиб, бисмилло деб чиққанларига мана 10 йил бўлибди. Қувончли, ташвишли кунлар тез-тез алмашиб турибди. Ўғил-қизлари, гоҳо набиралари ҳам мана шу қийинчиликларни енгишда бирга бўлибди. Хурсандчилик кунлари қучоқлашиб, бир-бирларини табриклашибди.

Ўйчан, ҳар сўзини тарозига солиб айтадиган Фозил акага қараганда, Санобар опа очиқроқ гаплашар экан. Тўсатдан ўчоқ бошида туриб, гап қўшиб қолди:

– Ёзувчи амаки, бизга келганингиз хўп яхши бўлди-да. Болаларим ҳам, ўзим ҳам бир кўрай деб юрардим. Сиз ҳар куни телевизорда чиқасиз-а?

– Наҳотки, ҳар куни чиқсам, – деб ҳайрон бўлиб сўрайман.

– Ҳа, майли, – деб сўзини давом эттирди Санобар опа. – Ҳар куни бўлмаса ҳам ҳафтада чиқиб турасиз. Ундан кейин набираларимнинг китобларида ҳам сизнинг суратларингиз бор. Лекин суратлар ҳар хил чизилган. Энди сиздан бир илтимосим бор.

– Айтинг, – дейман шошилиб.

– Илтимосим шуки, Фозил акамни бир уришиб қўйсангиз.

– Нима деб уришай? – деб сўрайман.

– Ўзларини ҳеч аямайдилар, ўн саккиз соатлаб даладан чиқмайдилар. Кўпинча марза устида, ажриққа ёнбошлаб ухлаб қоладилар. Овқатни ҳам эгатнинг ичида ичадилар. Айтингчи, шу яхшими?

– Йўқ, яхши эмасга ўхшайди, – дейман иккиланиброқ.

– Онаси, – дея қаттиқроқ овозда ва жилмайиброқ деди Фозил ака, – нима, далага атлас кўрпачамни, пар ёстиғимни қўлтиқлаб борайми?

– Ундан кейин, – сўзни яна бўлди Санобар опа, – бошқаларга ўхшаб курортларга ҳам бормайдилар.

– Далаларим, онажониси, менинг курортларим-ку, ундан гўзалроқ курортни мен қаердан топаман.

– Ўғиллари ҳам, дадамиздан қолмайлик деб, ер ичидан чиқмайди. Бечора набираларим, бизни соғиниб келишса, йўқ, аввал эгатга кириб, бир қучоқдан ўт ўриб чиқасан, ана ундан кейин ачомлашиб кўришамиз дейдилар.

Бу гапларни Санобар опа айтаётганда Фозил ака кулимсираб эркаловчи бир оҳанг билан:

– Санобар ҳам ҳамма оналарга ўхшайди. Меҳрибон. Қалби тўла меҳр. Аллоҳ аёлларни эрингни эҳтиёт қил, болаларингни эҳтиёт қил деб бу дунёга келтирган бўлса керак. Оналар эрларини сақлаш, болаларини камолга етказиш учун Аллоҳдан топшириқ олиб келган экан-да. Ёзувчи амаки, келганингиз яхши бўлди, қани энди ёзувчилар тез-тез келиб турса-ю, юрагимизда тўпланиб қолган дардимизни, қувончу шодликларимизни айтиб турсак. Мана, оилам болаларига нисбатан қаттиққўллар деяпти. Тўғри, қаттиққўлман. Талабимни бажармагунча қўймайман. Белгилаб берган қаторимни охирига олиб чиқмагунча овқатланишга ҳам рухсат бермайман. Фермер режа билан ишламаса, ёшларга иш ўргатмаса, фермер бўлолмайди. Мўлжалдаги ишни бажариши шарт. Қор ёғадими, ёмғир ёғадими, албатта бажариши керак. Майли, онаси йиғлаб турса ҳам, меҳнат қилишни ўрганиб катта бўлиши керак. Бўлмаса, ҳеч нарсага эришолмайди. Кузга бориб, эй аттанг, дея бошини қашлаб қолган фермерларни кўп кўрганман.

– Мана, буғдойнинг ҳосилдорлигини гектарига 100 центнерга етказдим, картошкадан, Худо хоҳласа, гектарига 40 тоннагача ҳосил оламан. Қора пистам ҳам яхши бўлди, гектаридан 2,5-3 тоннадан ҳосил йиғиб оламан.

– Мана, буғдой экишни қачон бошлайсан деб тракторим шай бўлиб турибди.

– Мана, прицепимни созлаб, мойлаб, эл хизматига чиқариб юбордим.

– Мана, тeракларимдан ҳар йили уй қураётган кишиларга керагича бераяпман.

– Мана, менинг меҳрибоним, вафодорим, Санобарим, сут-қатиқдан ортганини қўни-қўшниларга улашиб ҳам турибди.

– Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнатдан, қаттиқ ишлаганимиздан. Мен ўтаётган кунларимдан мамнунман. Шундай яхши кунларга етиб келганим учун, яратиб берилаётган шароитлар учун Юртбошимизга раҳматлар айтаман. Ва бу раҳматимни Тошкентга борсангиз Президентимизга етказиб қўйишингизни илтимос қиламан.

Бу туманда истеъдодини намойиш қилаётган, қобилиятини эл хизматига сарфлаётган фермерлар кўп. Шулардан яна бири "Ситора"-ни бошқараётган Анвархон Рашидов экан. Танишдик, ишлари ҳақида хўп фикрлашдик. Айниқса, қишлоқ хўжалик илмидан, адабиёт дунёсида юз бераётган янгиликлардан хабардор эканидан хурсанд бўлдим. Ҳа, фермерлар орасида ўқимишли, ўз билимини дунёвий илмлар билан ҳам бойитиб бораётганлари кўп. Эҳтимол, уларнинг ишлари яна ҳам тезроқ ривожланишига билимдонлиги ҳам ёрдам бераётгандир. Ахир, ҳар қандай билим ривожланишнинг асоси дейдилар-ку. Техникага жуда қаттиқ берилган экан. Бугунги ривожланишнинг асоси техника бўлиши керак, деган фикр унинг ғояси экан. Тракторлари таъмирланаётган устахонага бошлайди. Усталарининг ҳар бирини таништириб, мақтов сўзларини айтади. Мен бугунги фермерлик ривожини техника ҳал қилади, деган фикрини эслатиб, қанча трактори борлигини сўрайман. Ахир, 400 гектардан ортиқ ерим бор деяпти-ку. Бу ерларга юз хил экинлар экаман деяпти-ку. Ахир, экинларни кетмон билан экиш ҳам, чопиш ҳам аллақачон қолиб кетган деяпти-ку. Таъмирдан чиқиб, рангли мойлар суртиб қўйилган тракторлар ёнида тўхтаймиз. Тракторлар бамисоли боқувдан чиқиб, улоққа шай бўлган учқур отлардек ғалати бир кайфият бераяпти.

– Қани айтингчи, техникангизни доналаб ёзиб олайчи.

– Ҳайдов тракторим 4 та, – шошилиб жавоб қайтараяпти Анвархон.

– Яна, – деб сўрайман.

– Чопиқ тракторим 5 та.

– Яна?

– Иккита транспортим бор, яна учта комбайним бор.

– Яна?

– Ўнта прицепим бор.

– Яна?

– Олтита янги тракторга пул тўлаб қўйдим.

Анвархон Рашидов айтган тракторларни бир сатрга қатор қилиб ёзиб қўйсам бўларди. Лекин у ҳар бирини айтаётганда ғурурга тўлиб, андак мақтаниб айтаяпти. Ана шу фахр, ифтихор ўзини кўрсатсин деб мен ҳар бир сўзни бир қатор қилиб ёздим.

Туманда шиддат билан ишлаб, бойлик яратаётган, биз юқорида санаб ўтган рақамларга мазмун бераётган саккиз юз ўттиздан ортиқ фермеру мингдан ортиқ тадбиркорлар олиб бораётган ишларининг ҳар бирига китоб бағишласак ҳам бўларди. Ва албатта, шундай қилинар ҳам. Мен тумандаги тараққиётни, янгиликларни, фавқулодда тез ривожланиш ҳолатини нари борса бир очеркка аранг жойладим. Аммо кўнглим тўлгани йўқ. Кўрганларим, кузатганларим, бир китобга жо бўлишини ўйлаб, очеркимга якун ясадим.

## Айтишларича...

Японияда ўтган бир концертда таниқли хонанда Людмила Зикина бошқа қўшиқлари қаторида ўзининг машҳур "Оренбург тивит рўмоли" қўшиғини ижро қилди. Томошабинлар санъаткорни узоқ олқишлашди. Шундан сўнг саҳнага "Дак-дак" гуруҳи мусиқачилари кўтарилишди. Томошабинлар уларнинг чиқишини ҳам юксак баҳолашди.

Концертдан сўнг Людмила Георгиевна оммага ёққан бу қўшиқ нима ҳақида эканини сўради. Маълум бўлишича, қўшиқ япон аёли шаҳарда ўқиётган ўғли совқотмаслиги учун унга тивит қўлқоп юборгани ҳақида экан.

**ЭЪЛОНЛАР**

Утерянный диплом К № 2242090, выданный в 2011 году Ташкентским колледжем экономики и бизнеса на имя Хусанова Миразиза Мирмахмуд ўғли, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную круглую печать ИП ООО "ECOFORMAT", зарегистрированное в Кибрайском районе, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную круглую печать ООО "BURYONOK LYUKS", зарегистрированное в Кибрайском районе, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

## Жиноятга жазо муқаррар

# ДИНИЙ НИҚОБНИНГ УМРИ ҚИСҚА

**Ноқонуний диний ташкилот тузиб, норасмий йиғинлар ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси яхлитлиги ва хавфсизлигига рахна солувчи чақириқларни илгари суришда айбланиб судланганларнинг хатти-ҳаракатлари ва гапсўзларидан "ҳижрат", "жиҳод" каби яна кўплаб ғайриқонуний тушунчаларни тез илғаб олиш мумкин. Уларнинг асосий мақсади Ўзбекистондаги расмий ҳукуматни ағдариб ташлаб, ўрнига ислом давлатини барпо этишдир.**

Хўш, кейинчи, деган савол ҳар қандай одамни ўйлантириб қўйиши табиий.

Ўзбекистонда турли миллат ва дин вакиллари биргаликда, бирдамликда умргузаронлик қилишади. Агар ислом давлати ўрнатилгудек бўлса, бошқа дин вакилларининг аҳволи нима кечади? Ислом қарашлари сингдирилиб, ўзга диний арконлар сиқиб чиқарилса, икки ўртада турли низо ва миллатлараро зиддиятлар юзага келмайдими?

Наҳотки, ўз хом хаёллари билан юрган бундай кимсалар шу ҳақда бироз теранроқ фикрлаб кўрмасалар? Нима учун улар ҳокимиятга хуфиёна интилишдек разил мақсадлари йўлида муқаддас Ислом динини қурбон қилмоқчи бўладилар? Нега Исломдаги бошқа динларга бағрикенглик қилинглар, ўзга диндагилар билан иттифоқда яшанглар деган даъватларни писанд этмай, ўз қарашларини сингдирмоқчи бўладилар? Қизиғи шундаки, ҳардамхаёлларнинг аксарияти илмсиз, динни мукаммал ўрганмаган кимсалардир.

Экстремистик гуруҳларнинг ортида турганларга аслида "алиф"ни калтак деёлмайдиган, ким нима деса ўшанинг кетидан чопиб кетаверадиган чаласаводлар керак. Бундайларни бошқариш ҳам, разил мақсадлари йўлида қурбон қилиб юбориш ҳам раҳнамоларга қийин кечмайди. Шунинг учун улар ҳали ёш, ғўр кишиларни танлайдилар ва мияларига ўзларининг ақидапарастлик ҳамда экстремистик ғояларини сингдиришга астойдил киришадилар.

Энг ачинарлиси, ортда турганлар қайси давлатга кўз олайтирсалар, унга қарши чиқадиганларни ўша юртнинг ўзида етиштиришга уринмоқдалар. Шунинг учун бугун дунёда рўй бераётган ички низолар, диний ва ирқий келишмовчиликлар ва бошқа кўплаб хунрезликлар шу хатти-ҳаракатларнинг натижасидир.

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судида ишлари кўрилиб, жазо белгиланган кимсаларнинг қилмишлари ўз вақтида аниқланмаганда ким билади дейсиз, улар нималарга қўл уришлари мумкин эди?

Зафархўжа Олимов, Даврон Хусниддинов, Музаффар Исомов, Машраб Исроилов, Мурод Шохўжаев, Нодир Ҳакимов, Носир Эргашев, Элёр Исомов, Фаррух Рўзиметов, Нодирбек Йўлдошев, Акмал Одилов, Шокир Патиев, Учқун Ёдгоров, Ойбек Ҳошимов, Улуғбек Ўсканов, Баҳодир Ризаев, Аброр Холмуҳамедов, Ҳабибулла Ғаниев, Ғуломназир Абдуқаюмов, Диёржон Исломов, Ботир Нишонбоев, Маъруф Собиров, Акбар Ёдгоров, Алишер Рустамов ўзларининг разил мақсадлари қурбонига айландилар.

Улар ўзгаларнинг эътиборини тортмаслик ва атрофдагиларда шубҳа уйғотмаслик учун норасмий йиғинларни турли манзилларда ўтказишарди. Бундай йиғинларда асосан "жиҳод", "ҳижрат" каби мавзуларни муҳокама қилишар, шу тариқа сафларини тобора кенгайтиришарди.

Қизиғи шундаки, уларнинг гуруҳига қўшилаётганларнинг асосий қисми 20-30 ёш ўртасидагилар. Юқорида айтганимиздек, разилликларни амалга ошириш учун шундай ёшлар зарур. Уларни ёлғон ваъдалару турли нағмалар билан алдаш осон кечиши ва мақсадларига етишлари ҳам гўё хамирдан қил суғургандек бўлишини орзу қилишади.

Бугун бутун дунё бу ҳақиқатни теран англаб етди. Ўз тинчлиги, осуда ҳаёти учун барча давлатлар имкон қадар ҳаракат қилаяпти. Режалаштирилган кўплаб террорчилик ҳаракатларининг олди олинмоқда. Бироқ, бу ҳали етарли дегани эмас. Чунки, қалби фисқу фасодга тўла кимсалар ҳам ўз мақсадлари йўлида тиниб-тинчиётганлари йўқ. Шунинг учун барча халқлар, миллат ва элатлар тинчлик ва барқарорлик каби эзгу мақсад йўлида янада жипслашиб ҳаракат қилсалар, албатта бундай разилликларга чек қўйилади. Ҳеч бир юртда болалар етим бўлиб, оналар бева қолишига йўл берилмайди. Энг асосийси, муқаддас динимиз бор бўй-басти билан намоён бўлиб, кишилик жамиятининг маънавий қиёфасини тўлдиришга, уни эзгуликларга чорлашга хизмат қилади.

**Асомиддин КАРИМОВ.**




## ГРЕЦИЯДА АНТИФАШИСТЛАР НАМОЙИШИ

**Грециянинг бир қатор шаҳарларида ўтказилган антифашистлар норозилиги акцияси вақтида тартиббузарликка йўл қўйган 23 кишини полиция қамоққа олди, деб хабар тарқатди AFP агентлиги.**

Энг оммавий намойишлар мамлакат пойтахти Афина шаҳрида бўлиб ўтди. Кўчаларга 5 мингдан зиёд одам чиқди. Шунингдек, Салоникада 6 мингдан зиёд антифашистчилар митинг ўтказишди. Греция ғарбидаги Патрас шаҳрида намойишчилар минг кишидан ошмасада, улар ёндирувчи суюқлик қуйилган шишалар билан қуроллангандилар. Бу ерда юз берган тўқнашув чоғида истеъфодаги бир полициячи жабр кўрди.



Намойишчилар "Фашистлар янчиб ташлансин!" дея қичқиришиб, қўлларидаги "Фашизмга бундан буён йўл йўқ!" сўзлари ёзилган плакатларни баланд кўтариб ўтишди.

Чоршанбага ўтар кечаси Афинада хип-хоп йўналишидаги мусиқа ижрочиси, 34 ёшли Павлос Фиссас ўлдирилганлиги намойиш бошланишига сабаб бўлди. Фиссас сўл қарашлар тарафдори эди. "Олтин тонг" неонацист гуруҳи аъзоси бўлган 45 ёшли киши ва унинг рафиқаси Фиссаснинг қотили эканликда гумон қилиниб, қўлга олинди.

## ЭНГ ҚИММАТ АВТОМОБИЛЬ

**Дубайда соф олтин, платина ва жавоҳирлардан ясалган Lamborghini Aventador LP700-4 автомобили савдога қўйилди. Унинг бошланғич баҳоси 7,5 миллион доллар.**

Мабодо автомобиль сотилса, тушган пулнинг 650 минг доллари хайрия ишларига сарфланишини маълум қилди "Ведомости" газетаси.



Ҳозирча, савдода автомобилнинг макети турибди. Агар, харидор пайдо бўлса, ишлаб чиқарувчилар уни тезда тайёрлаб, буюртмачининг илтимосини қондиришади, деб ёзади CNBC. Машина 700 Британия от кучига эга бўлиб, турган жойидан қўзғалиб, 2,9 сонияда тезлигини соатига 100 километрга етказа олиш қувватига эга.

Ушбу антиқа автомобиль бир йўла тўртта номинация бўйича Гиннесс рекордлар китобига киришга даъвогарлик қилмоқда. Аввало, у дунёдаги энг қимматбаҳо, шунингдек, олтиндан ясалган 7 тонналик жаҳонда ягона автомобиль бўлганлиги учун ҳам Гиннесс китобига киришга ҳақли.

## ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

**Италиянинг шимолидаги Павия шаҳри турмасидан ўғрилар ичида анчагина пули бўлган темир сандиқни ўмариб кетишди, деб ёзади Reuters агентлиги.**

Ушбу маълумотда айтилишича, тун ярмида ўғрилар видеокузатув тизими камераси ёнидан сездирмай ўтиб, турма директори офисига кириш ва у ердаги темир сандиқни олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлганлар. Жабрланган томоннинг таъкидлашига қараганда, ўғриланган темир сандиқ ичида тахминан 5 минг евро пул бўлган. Полиция шу иш юзасидан тергов ҳаракати бошлади.

2013 йилнинг ёзида қўшни мамлакат – Швейцариянинг Женева шаҳридаги турмада ҳам шундай ўғрилик содир этилганди. Ўшанда ўғрилар тун қоронғусини кутиб ўтирмай, иш куни ўрталарида пул сақланаётган хонага кириб, ўмариб чиқдилар ва мотоциклга ўтириб, Францияга қараб жуфтакни ростладилар. Жиноятчиларни қидириш эса ҳеч қандай натижа бермади.

## СУВ ТОШҚИНИ ҚУРБОНЛАРИ КЎПАЯПТИ

**Кейинги кунларда Мексикада кучли жалалар оқибатида юз берган сув тошқинлари туфайли камида 80 киши ҳалок бўлди. AFP агентлиги мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотига таяниб, шуни хабар қилди.**

Афтидан, сув тошқинлари қурбонлари кўпайиб бориши мумкин. Чунончи, ички ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, тоғли туманлардан биридаги қишлоқда ер кўчиши натижасида ҳалок бўлганларни ҳам расмий маълумотларга киритиш лозим. Ушбу қишлоқда ўттизга яқин уй тупроқ остида қолди. Маҳаллий ҳокимиятнинг айтишича, шу қишлоқнинг ўзида 18 киши ҳалок бўлди ва яна 50-60 киши тупроқ остида қолган бўлиши мумкин.



Мексикада кейинги ярим асрдан буён энг кучли сув тошқини ва ер кўчишларини "Мануэл" ва "Ингрид" тропик пўртаналари олиб келди. Мамлакатда бир неча кун давомида кучли жала тинимсиз ёғди.

## ҲАЙДОВЧИ АВТОБУСНИ ТЎХТАТМАДИ, ОҚИБАТДА...

**Оттава шаҳрининг ғарбида йўловчи поезди билан икки қаватли автобус тўқнашиши оқибатида 5 киши қурбон бўлди, 6 киши жиддий жароҳат олди.**

Поезд эгаси бўлган Via Rail компаниясининг маълум қилишича, вагонлардаги йўловчилардан ҳеч бири жиддий шикастланмади, гарчи бир нечта вагон изидан чиқиб кетган бўлса ҳам. Тўқнашувнинг сабаби ҳозирча маълум қилинмаяпти. Бироқ, қутқарувчилар гуруҳи воқеа содир бўлган жойда текширувни бошлаб юборишди.



Воқеа гувоҳларининг айтишича, автобус ҳайдовчиси семафорнинг огоҳлантирувчи чироқларига бўйсунмаган ва ҳаракатда давом этган, гарчи шлагбаум туширилган бўлса ҳам. "Бизга шундай туюлдики ё автобуснинг тормози ишдан чиққан ёки ҳайдовчига нимадир бўлган" деди гувоҳлардан бири.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-56-03, 233-65-59. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8100. Адади 7067. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30.